

Кун хадиси

22:32 / 31.05.2017 5704

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ менинг умматимдан, модомики, гапирмасалар ёки қилмасалар, кўнглидан ўтказганини кечиб юборди», дедилар».

Икки ҳадисни Имом Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифларида Аллоҳ таоло томонидан ўз умматларига қилинган катта фазлу карам ҳақида сўз юритмоқдалар. Демак, мусулмон одам бир гуноҳ иш қилишни кўнглидан ўтказса, лекин бу ҳақда гапирмаса ёки уни амалга оширмаса, Аллоҳ таоло кечиб юборар экан. Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, юқоридаги нарса учун ҳам жазолаши мумкин эди.

Лекин Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг умматларига марҳамат кўрсатиб, улардан бу нарсани кечиб юборди. Бу ҳам Ислом динининг афзалликларидандир.

Ислом дини ёмонликнинг умуман юзага чиқмаслиги тарафдори эканини ушбу ҳадисдан билиб олсак бўлади. Бу ҳадиси шариф ҳар бир кишига улкан руҳий-маънавий таъсир ўтказиши турган гап. Одам инсончилик юзасидан гоҳида баъзи бир ёмон ишларни қилишни кўнглидан ўтказиши ёки ўзича гапириши мумкин. Кейин эса уни ташида ҳам айтиши мумкин. Ташида айтиши ёмонлик томон қўйилган қадамдир. Ундан кейин яна бир қадам босилса, ёмонлик амалга ошади. Шунинг учун ёмонликни умуман юзага чиқармай туриб, йўқ қилиш керак. Банда ёмонликни кўнглидан ўтказган бўлса ҳам, Аллоҳ уни кечириб юборади, унинг «номаи аъмоли»га ёмонлик ёзилмайди. Бу билан инсонни ёмонликдан уни кўнглидан ўтказган пайтидаёқ қайтариш чораси кўрилмоқда.

Демак, баъзи вақтларда ёмонликни кўнглидан ўтказиш ҳоллари юзага келса, дарҳол ушбу ҳадиси шарифни эслаб, хаёлдаги сўзни гапирмаслик ва унга амал қилмасликка уринишимиз лозим.

Дунёнинг деярли ҳамма юртларида жиноятнинг олдини олиш бўйича илми нафс (психология) мутахассислари тайёрлашга катта куч ва маблағ

сарфланиб, қанчадан-қанча оврагарчиликлар бўлмоқда. Ислонда эса бу муаммо аллақачон ҳал этиб бўлинган.